

Қ А Р О Р

2016 йил 26 февраль куни жинойт ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг судьяси Ф.Исмаилова ҳуқуқбузар И.Каюмовага оид маъмурий ишни унинг ўзи томонидан берилган шикоят асосида кўриб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И М:

жинойт ишлари бўйича Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман судининг 2016 йил 5 февралдаги қарорига кўра,

Каюмова Ирина Наджабовна (Kajumova Irina Nadjabovna), 1959 йил 5 декабрда Бухоро вилоятида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, муқаддам маъмурий жавобгарликка тортилмаган, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, 19-даҳа, 17-уй, 78-хонадонда яшовчи,

Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 183-моддаси билан ҳуқуқбузарлик содир қилган деб топилиб, энг кам ойлик иш ҳақининг 3 баравари, яъни 390.720 сўм миқдориди жарима жазоси тайинланган.

Суд қарорига кўра, И.Каюмова 2016 йил 26 январь куни соат 10.00 ларда Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Ўзбекистон шох кўчаси 98-"а" уйда жойлашган Ўзбекистон шахмат федерацияси биносида фуқаро С.Баймуратовани турли сўзлар билан ҳақоратлаб, жамоат жойида майда безорилик содир қилган.

И.Каюмова шикоятда, биринчи босқич суди томонидан унга нисбатан чиқарилган қарордан норозилигини, Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 183-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик аломатлари ёки ходисаси мавжуд эмаслиги сабабли унга нисбатан чиқарилган қарорни бекор қилишни сўраган.

Кассация инстанцияси суди маъмурий иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, шикоятларда келтирилган важларни муҳокама қилиб, қуйидагиларга кўра суд қарорларининг ўзгартиришни лозим деб ҳисоблайди.

Ҳуқуқбузар И.Каюмованинг маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганликдаги айби, маъмурий баённома, ариза, билдирги, гувоҳлар С.Баймуратова, Ю.Панчук, Х.Турдиалиев, А.Загребельный, И.Геворгенларнинг кўрсатмалари ва маъмурий ишда тўпланган бошқа ҳужжатлар билан тўлиқ ўз тасдиғини топган.

Биринчи инстанция суди ҳуқуқбузар И.Каюмованинг ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 183-моддаси билан тўғри квалификация қилган.

Бироқ, биринчи инстанция суди томонидан ҳуқуқбузар И.Каюмовага нисбатан жазо тайинлашда, уни нафақа ёшида эканлигини, муқаддам

маъмурий жавобгарликка тортилмаганлигини, яшаш жойидан ижобий тавсифланишини инобатга олмасдан бир мунча оғирроқ жазо тайинланган.

Бундай ҳолатда, кассация инстанцияси ҳуқуқбузар И.Каюмовага нисбатан чиқарилган қарорни ўзгартиришни ва унга Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 21-моддасини қўллаб, маъмурий жавобгарликдан озод этиб, огоҳлантириш билан кифояланишни лозим деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 321-моддасига риоя қилиб,

**Қ А Р О Р   Қ И Л Д И М :**

жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман судининг 2016 йил 5 февралдаги ҳуқуқбузар Каюмова Ирина Наджабовна (Каюмова Irina Nadjabovna)га нисбатан чиқарилган қарори ўзгартирилсин.

Каюмова Ирина Наджабовнага Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 183-моддаси билан Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 21-моддасини қўллаб, огоҳлантириш билан кифоялансин.

Ҳуқуқбузар И.Каюмова томонидан берилган шикоят қисман қаноатлантирилсин.

Жиноят ишлари бўйича  
Тошкент шаҳар суди  
судьяси:



Ф.Исмаилова